



ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ИҚТИСОДИЁТ УЧУН ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Кейинги йилларда олий таълимни янги босқичга кўтаришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Замонавий таълим стандартлари, талабаларга қабул қилишнинг шаффоф тизими жорий этилди. 2018 йилда умумий қабул квоталари ўтган йилга нисбатан 30 фоиз ошди.

Президент қарорлари билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда олий таълим муассасаларини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш бўйича дастурлар профессор-ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Жорий йилда мамлакатимизда жами 13 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, Самарқандда «Ипак йўли» туризм халқаро университети, Россия Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали, Тошкент шаҳрида Жанубий Кореянинг Пучон университети фаолият бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 сентябрдаги фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Эл-юрт умиди» жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғарма чет элларда фаолият кўрсатаётган салохиятли ватандош олимлар, мутахассислар ва экспертларни Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга фаол жалб этишга, шунингдек, иқтидорли ёшларнинг ривожланган мамлакатларда таълим олиши, етакчи халқаро институтлар ва хорижий ташкилотларда малака оширишига қўмаклашади.

Жорий йилда илк бор халқаро тажрибалар асосида олий таълим муассасаларининг миллий рейтингини яратилди, таълим ва илмий-тадқиқот жараёнлари таҳлил қилинди. Мазкур таҳлил соҳада қатор муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатди.

Хусусан, олий таълим муассасалари қабул квотаси қамровли умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларига нисбатан 7-9 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Россияда 74, Корея Республикасида 96 фоиздир.

Йиғилишда олий таълим муассасаларининг нуфузи, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти халқаро илмий ҳамжамиятда муносиб ўринга эга эмаслиги қайд этилди. Таълим жараёнига дунёда тан олинган фан арбоблари, юқори малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш яхши йўлга қўйилмагани танқид қилинди.

Ректор ва проректорларни тайинлашда профессор-ўқитувчиларнинг фикри ўрганилмаётгани оқибатида янги тайинланган раҳбарнинг жамоа билан ишлаш самардорлиги етарлича бўлмаётгани.

Илм-фанни ривожлантириш, тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш, илмий фаолият натижадорлигини ошириш, иқтидорли талабалар илмий изланишлар олиб бориши учун зарур шароитлар яратилмаган.

Таълим жараёнига инновацион методикаларни жорий этиш, ўқув дастурларини ишлаб чиқариш билан ҳамоханлигини таъминлаш ва энг асосийси, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ишлари умуман қониқарсиз аҳволда.

Олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш, уларни аттестациядан ўтказиб, аккредитациялаш, ҳужжатларни нострификация қилиш тартиблари бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди.

— Иқтисодиёт шиддат билан ривожланаётган бир пайтда олий таълим тизими тараққиётнинг лоқомини бўлиш ўрнига, замон билан ҳамқадам бўлмаётгани ачинарлидир. Меҳнат бозоридagi тарихий ўзгаришларга жавоб берадиган, ёшларимизга касб-хунар ўргатадиган, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантирадиган тизим йўқ десак, бу ҳам аччиқ ҳақиқат, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу боис соҳадаги кечиктириш бўлмайдиган вазифаларни бажариш юзасидан топшириқлар берилди.

Талабалар қабулининг соддалашган тизимини жорий этиш орқали қабул жараёнини квота тизимидан давлат буюртмаси ва табақалашган тўлов-контракт тизимига ўтказиш зарурлиги таъкидланди. Олий таълим муассасаларининг халқаро нуфузини ошириш, педагог кадрларнинг илмий-педагогик фаолиятини муносиб рағбатлантириш мақсадида марказлашган молиялаштиришдан ўз-ўзини молиялаштириш ва иқтисодий мустақил тизимга ўтиш вазифаси қўйилди.

Ректорлар ва проректорларни тайинлашда соддалаштириш, профессор-ўқитувчилар фаолиятини доимий баҳолаш, манзилли рағбатлантириш, масъулият ва жавобгарлигини ошириш тизимини яратиш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ректорлар кенгаши фаолиятини ҳам тубдан такомиллаштириш вақти келгани таъкидланди. Ректорлар малакасини баҳолаш, бунда уларнинг маънавий-

маърифий ва илмий салоҳиятига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари таълимдаги энг асосий вазифа талабалар билимини баҳолаш, ўқув дастурлари ҳамда мавжуд таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришдан иборат эканини таъкидлади.

Хорижда таҳсил олаётган ёшларнинг Ватанимизга қайтиб келишига шароит яратиш мақсадида қартилган ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда Ўзбекистон — Россия таълим форуми натижаларига ҳам эътибор қаратилди.

Маълумки, ушбу форум якунида россиялик ҳамкорлар билан таълим ва илмий фаолиятга оид 114 та шартнома ва битимлар имзоланган. Жумладан, Ўзбекистонда Россиянинг 6 та нуфузли олий таълим муассасаси филиали ва 2 та факультет очилиши, 52 та қўшма таълим дастури жорий этилиши назарда тутилган. Ҳар бир келишув бўйича «йўл харита»лари ишлаб чиқилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур «йўл харита»ларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Ҳар бир филиал, факультет ва қўшма дастурлар бўйича тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни сифатли ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалий ижросини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Ташкил этилаётган ушбу факультетларни филиалга айлантириш чораларини кўриш истиқболдаги вазифалардир.

Йиғилишда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган келишувлар асосида профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳиятини мустаҳкамлаш, малакасини ошириш, олий таълим тизимига илмий-технологик ишланмалар ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз келаси йил Россияда ўтадиган навбатдаги форумга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида ҳозирдан аниқ режалар белгиланган ишлар зарурлигини таъкидлади.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, шунингдек, ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Турсунов Бахтиёр Зияевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали етакчи жарроҳи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Мазурова Елена Юрьевна — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

Мухамедов Уткирбек Хазраткулович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлигининг биринчи ўринбосари

«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Арзуманов Армен Аркадьевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси махсус отряди бош мутахассиси

Юсупжонов Муроджон Юсупжонович — Наманган вилояти Наманган шаҳар ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми катта ёнгин учирувчиси

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Атамов Бегимжон Исонбоевич (марҳум) — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бўлими сафдор ходими

Ғаниев Акмалжон Раҳматиллаевич — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси тезкор вакили

Мухитдинов Дилмурод Сагдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиги

Отамбетов Махмуд Бегдуллаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Тахياتош тумани ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми бўлима командири

Расулов Илхомжон Абдусаматович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони отряд командири

Рустамов Умаркул Мирзабекович — Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми командири

Сафаров Алиқул Хушбоқович (марҳум) — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Эшмуратов Илхом Лапасович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

Давоми 2-бетда. ▶

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ҲАЁТИГА ДОИР МУҲИМ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

2018 йил 24 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини, деярли ҳар бир даврада, ҳар куни муҳокама мавзуси бўладиган масалаларни кўриб чиқдилар.

Мажлис кун тартибига киритилган барча масалалар сиёсий партияларнинг парламент кўйи палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида дастлабки тарафда муҳокама қилинган эди.

Мажлисида депутатлар мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш

бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 20-банди ижроси юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, парламент кўйи палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Давоми 2-бетда. ▶

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИРГИЗИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ



МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ИФОДАСИ

Пойтахтимизга Қирғизистон Республикасининг маданияти ва санъат намояндаларидан иборат делегацияси келди. Мазкур ташриф мамлакатимизда Қирғизистон Республикаси маданияти кунларига старт берди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда хорижий мамлакатлар билан алоқалар қамрови янада кенгайиб, самимий, ўзаро ишончли, дўстона тўсга кириб бормоқда. Бу жиҳатлар Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатларида яна бир қавра ўз ифодасини топади.

Ўтган йили қирғиз юртида Ўзбекистон Республикаси маданияти кунлари катта муваффақият билан ўтказилган эди. Санъаткорларимизнинг бетақорор ва жозибали муқий қастурлари, табаррук диёримиз ҳаёти, истиқлол берган неъматларни акс эттирувчи бадий ва фотоқўргазма қардош халқда катта таассурот қолдирган

эди. Таъкидлаш жоизки, юртимизда анъанавий тарзда ташкил этилувчи муқий фестивалларда қирғиз санъаткорлари, бадий жамоалари мунтазам иштирок этиб келмоқда. Бу юртнинг фотомусавирлари, мўйқалам соҳиблари Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилаётган халқаро кўргазмалар, замонавий санъат биенналеларининг доимий иштирокчиси. Икки халқ театр жамоаларининг ижодий сафарлари мунтазамлик касб этмоқда. Жорий йилнинг 28 октябрга қадар давом этувчи Қирғизистон Республикаси маданияти кунлари ҳам шу каби ижодий лойиҳаларнинг узвий давоми, десак муболага бўлмайди.

— Халқларимиз азалдан ҳамжиҳат, аҳил яшаб, қуд-анда бўлиб келган, — дейди Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазирининг биринчи ўринбосари Бахтибек Секимов. — Ўтган йили юртимизда Ўзбекистон Республикаси

маданияти кунлари бўлиб ўтган эди. Бу каби тадбирлар ижодкорлар ўртасидаги мулоқотлар қамровининг тобора кенгайиши ва мустаҳкамланишига асос бўлади. Ўзбек ва қирғиз санъат намояндалари иштирокида кўплаб биргаликдаги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Фильмлар суратта олинмоқда, гастроллар, кўргазмалар ўтказилапти. Буларнинг барчаси мақсад-муддасларимиз муштараклигини намоён этиди.

Делегация аъзолари ташрифнинг илк кунда пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуаси ҳамда Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида бўлишди. Нодир маънавий ва маданий меросимиз, асрлар оша сайқал топиб келаётган бебаҳо меъморий обидаларимиз қардош халқ ижодкорларида катта таассурот қолдирди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Осиё Сиёсий партиялари

Халқаро конференцияси Бош ассамблеясида ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари маъруза қилади

Москва шаҳрида Осиё-Тинч океани минтақаси ва Яқин Шарқдаги 53 мамлакатдан 360 дан ортиқ парламент партияларини бирлаштирган Осиё Сиёсий партиялари Халқаро конференциясининг (ICAPP) 10- Бош Ассамблеяси бўлиб ўтмоқда.

Осиё Сиёсий партиялари Халқаро конференциясининг ўзининг юбилей йиғилишида 250 дан ортиқ делегация аъзолари иштирок этиши ва ассамблея давомида иштирокчилар жаҳон сиёсатининг долзарб масалаларини, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яқин қўшничилик муносабатларини муҳокама қилиши режалаштирилган.

Осиё Сиёсий партиялари Халқаро

конференциясининг 10-Бош Ассамблеясида бир қатор тадбирлар, жумладан, Аёллар кенгаши бешинчи йиғилиши, Ёшлар қанотининг тўртинчи йиғилиши, Медиа-форуми ва Маданият кенгаши йиғилишлари ўтказилиши режалаштирилган. Шунингдек, Ассамблеяда Лотин Америкаси, Африка ва Европа давлатларидан кузатувчилар иштирок этмоқда.

Ушбу нуфузли тадбирда Ўзбекистон сиёсий партиялари делегацияси аъзолари таркибида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улугбек Вафоев ҳам иштирок этмоқда. 26 октябрь куни бўлиб ўтадиган бешинчи ялпи мажлисда унинг маъруза қилиши режалаштирилган. Маърузада мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар жараёнида партияларнинг иштироки, ҳуқуқ ва ваколатлари, мақсад ва гоълари тарғиботи каби масалалар қамраб олинган.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Нархлар
иложсизликдан
оширилмоқда

Мамлакатимизда келаси
ойдан бошлаб электр
энергияси, табиий газ ва
ёқилги учун тарифлар
ўзгариши кутиляпти

23 октябрь куни Молия вазирлиги Ҳазратидин вазирилик тизимидаги мутахассислар, журналистлар иштирокида ўтказилган очик мулоқотда нархлар ўзгаришининг сабаблари ва асосларини Бош вазир ўринбосари — молия вазири Жамшид Қўчқоров изоҳлаб берган.

Маълумотларга кўра, 2017 йилда «Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамиятининг 8 триллион сўм, жумладан, «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамиятининг 7,5 триллион сўм, «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик жамиятининг 0,5 триллион сўм қарзидан кечилган. («Ўзтрансгаз» акциядорлик жамиятининг қарзлари: «Ўзбекнефто» — 3 трлн., аҳолидан — 2,7 трлн., «Ўзкимсаноат» АЖ — 1,4 трлн. сўм ва иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан 0,4 триллион сўм).

Табиий газнинг 1 минг кубометри истеъмолчиларга ўртача 289,7 минг сўмдан сотилмоқда. Истеъмолчига етказиб бериш харажати ҳисобга олинса, шунча табиий газни ишлаб чиқариш таннари 612,8 минг сўм бўлади. Бундан келиб чиқадики, сотилаётган газнинг ҳар минг кубометридан зарар 323,1 минг сўмни ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили ўрта ҳисобда 64 млрд. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади (шундан 83 фоизи табиий газ воситасида олинади, яъни электр энергия ишлаб чиқариш анча қimmatта тушади). 1 кВт/соат электр энергиясини ишлаб чиқариш таннари 193,2 сўмни ташкил этади, сотиш нархи эса 228,6 сўм (қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган, 190,5 сўм). Демак, бир кВт/соат электр энергиясини истеъмолчиларга сотишдан 2,7 сўм зарар кўрилади.

АИ-80 маркали автобензиннинг 1 литри учун ўрнатилган нарх ҳозир 3800 сўм. Лекин уни ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етказиб бериш жараёнида кўрилатган зарар 1414 сўмни ташкил этади. Шу тарафда дизель ёнгилгисининг (белгиланган нарх 4 600 сўм) ҳар литридан зарар 1 416 сўм бўлиб чиқмоқда. Бу ерда таннарга таъсир этадиган омил маҳаллий ҳошанининг етишмаслиги ҳамда нефть маҳсулотларини импорт қилиш заруратидир. Айни шу импорт нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларининг 75 фоиздан ортигини ташкил этади.

Нарх белгилашнинг нотўғри шакллари тизими ёқилги-энергетика комплекси корхоналари фаолиятига, мамлакат энергетика хавфсизлигига таҳдид солаётгани айтилмоқда. Бундай вазият давом этиши жиддий муаммоларни келтириб чиқариши табиий.

Муаммолар ҳолатдан чиқиб кетиш учун тарифларни босқичма-босқич ошириш ҳаёт талаби экани тушунтириляпти.

Электр энергияси, табиий газ ва ёқилги учун тарифлар қуйидаги тартибда ўзгариши кутилмоқда: 1 кубометр табиий газ учун 320 сўм (АҚШ долларида ҳисобланганда — 3,9 цент), ўсиш — 10 фоиз, 1 кВт/соат электр энергияси учун 250 сўм (3 цент), ўсиш — 9,4 фоиз. **АИ-80 маркали 1 литр бензин 4 000 сўм (48 цент), АИ-91 маркали бензин 4 500 сўм (54 цент), дизель ёнгилгиси 4 800 сўм (58 цент).**

Тарифлар ўсишининг аҳолига салбий таъсирини кайтартириш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар қўзда тутилгани маълум қилинган. Жумладан, аҳоли учун иссиқлик таъминоти тарифлари ошишини ўртача 10 фоиз даражада саноат қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, нефть маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкалари 90 фоизга пасайтирилган (масалан, 1 литр АИ-80 бензини учун акциз солиғи ставкаси амалдаги 321,4 сўмдан 32,1 сўмга, табиий газ учун эса амалдаги 25 фоиздан 15 фоизга).

Автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станциялар (АГТКС) учун етказиб бериладиган табиий газ нархи 1 кубометрга 800 сўм этиб ўрнатилади. Амалда бўлган ҳар бир кубометрга 500 сўмдан тўланадиган махсус инвестициявий устам бекор қилинади. Яъни, АГТКС учун етказиладиган газ нархи 789 сўмдан 800 сўмга ёки атиги 11 сўмга (1,4 фоиз) ошади, дейилмоқда.


Яна бир янгилик шуки, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб Тошкент шаҳрининг Юнусов тўғрисида таъриба бошланган: аҳоли учун газ ва электр энергиясидан фойдаланиш мезърлари ўрнатилади. Мезърдан ортиқ ишлатилган газ 20 фоиз қимматроқ бўлади. МДХ давлатларида аллақанда бундай мезърлар ўрнатилади.

Тафсилотлар ва кутилаётган ўзгаришлар асосан шулардан иборат. Тарифларни ошириш сиёсати етилган зарурат экани ҳамда жиддий асосларга таянган ҳолда амалга оширилаётгани таъкидланди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ
тайёрлади.

ҚЎШНИ РОЗИ, ХУДО РОЗИ

Афсуски...



Мукаддас ҳадиси шарифларда қўшнинг ҳақиқи тўғрисида шундай дейилади: «Агар бирор ёрдам сўраса, ёрдам бермоқ, қарз сўраса, қарз бермоқ, ноқулай иморат қуриш ёки сояли дарахтлар экиш ила ҳақиқи тажовуз қилмаслик лозим».

Қаранг, қадим-қадимдан қўни-қўшнилар бир-бирини ҳурмат қилишга, аҳил бўлишга даъват этилган. Улар ушбу қадриятга амал қилишган. Аммо замонлар ўтиб, айрим қадриятларимизга, хусусан, қўни-қўшничилик удулларига ҳам путур етганига ғувоҳ бўлаёلمиз. Ёнма-ён яшаётган қўшнилар ўртасида меҳр-оқибат сустлашиб бораётгани сезилмоқда. Бойроқ қўшни бошқаларни менсимаслиги сезилиб қолмоқда. Ҳатто қўшидан сўрамай, розилигини олмай, бандан иморат қуриб, қўшни уйининг ҳовлисини қўшдан тўсиб қўйиш ҳоллари учрамоқда. Бунинг оқибатида икки қўшни ўртасида низо пайдо бўлиб, йиллаб судлашмоқда.

Хуршид Тўлабоев пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Бешқайрағоч» маҳалласида, 3-Қурувчи тор кўча, 31-уйда яшайди. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Ассалом, Ўзбекистон» телеканалида 40 йилдан буюр режиссёр бўлиб ишлайди. Маҳаллада ўзига яраша обрў-эътибори бор, қўни-қўшнилар билан аҳил.

Ўтган йили собиқ қўшниси — 3-Қурувчи тор кўча, 33-уйда яшовчи Бахтиёр Абдуллаев оиласи билан қўчиб кетгандан сўнг ҳовлини қўшни маҳаллада яшовчи Абдуфаттоҳ Иргашев турмуш ўрғоти Гўлнўза Иргашева номига сотиб олиб, расмийлаштиради. У оиласи билан хонадонга қўчиб келгандан кейин ҳовлини қайта қуриш учун 2018 йилнинг февраль ойида бир қанча ҳужжат билан Хуршиднинг уйига чиқади. Ҳовлидаги уйлари бузиб, янгидан икки қаватли уй қурилишини бошламоқчилигини айтиб, унга ДСЭНМ томонидан берилган ҳуло-са ва архитектор қўзиб берган лойиҳани кўрсатади. Чеп томонидagi қўшниси, 35-уй эгаси Тўхир Назаров янги иморат қурилишига рози эканини, у ҳам розилик қўгози ёзиб беришини сўрайди.

Хуршид Тўлабоев қўшнинг бу гапидан хайрон бўлади. Ҳовлининг ўртасидан икки қаватли иморат қуриладиган бўлса, унинг ҳовлисидagi лимон экилган иссиқхона, мевали дарахтларни қўш нурдан тўсиб қўймайди? У ана шу истихолани қўшнисига ётиқлик билан тушутиради.

— Менинг тўртта ўғлим бор, — дейди Абдуфаттоҳ Иргашев бунга жавобан. — Ҳовли ўртасидан икки қават қилиб уй қурамсан, уларнинг қайси бирига етказаман?

— Иморатингизни 4 қават қилиб курсангиз ҳам розиман, фақат шуни эл қатори қўча юзасидан курсангиз, қўни-қўшнинг ҳам эибни тегмасди, ҳовли саҳни ҳам ёпилмасди, — дейди Хуршид Тўлабоев. — Бу лойиҳага мен розилик хати беролмайман...

— Майли, ўзингиз биласиз, — дейди Абдуфаттоҳ Иргашев ва индамай чиқиб кетади. Шундан кейин у уйнинг томини очиб, ҳовли саҳнидан икки қаватли уй қурилишини бошлайди.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ

«АТОМДАН БОШЛАБ
КОСМИК ФАЗО САРИ»

Российская Газета
RGRU

«Российская газета»:

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташифи хориж ОАВ, жумладан, Россия Федерацияси газеталари томонидан ҳам кенг ёритилмоқда. Хусусан, «Российская газета», «Экономика сегодня» газеталарида икки мамлакат ўртасидаги энергетика

«Экономика сегодня»:
Энергетика соҳасидаги
яхши ҳамкорлик

— Россия ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган битим Ўзбекистонда атом соҳаси ривожланишига кўмаклашиши лозим деб, таъкидлайди эксперт Григорий Лукьянов.

соҳасидаги ҳамкорликка, яъни Ўзбекистон Республикасида биринчи АЭС қурилишига бағишланган мақолаларда хусусан шундай дейилади:

«Олий даражадаги Россия — Ўзбекистон ўртасидаги музокара-лар натижасида кўра, томонлар 2019-2024 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури-ни имзолашди. Жумладан, икки давлат раҳбарлари раъзий тўғрисида босиб, ушбу йирик лойиҳага, яъни Республикада биринчи атом электр станцияси қурилиши бош-ланишига старт бердилар».

— Икки мамлакат биринчи ҳудудлар-ро форуми давомида Ўзбекистон ва Россия компаниялари ва идоралари ўртасида 800 дан ортиқ битим ва меморандумлар имзо-ланиб, уларнинг умумий миқдори қарийб 27 миллиард АҚШ доллар-ини ташкил этади. Атом соҳаси-ни Ўзбекистонда ривожлантириш лойиҳаси эса минтақа учун ўта муҳим бўлган мўқобил энергияни ишлаб чиқаришга қаратилган».

Ўз мухбиримиз.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ:

Яна бир йирик лойиҳа амалга ошди

Мамлакатимизда амалга оши-
рилаётган иқтисодий испоҳт-
лар натижасида хусусий сектор
ривожланмоқда. Ҳар йили аҳоли
бандлигини таъминлаш ва тур-
муш даражасини юксалтириш-
га, айна чоғда импорт ўрнини
босувчи маҳсулотларни ишлаб
чиқаришга хизмат қиладиган ин-
вестициявий лойиҳалар рўёбга
қичмоқда. Табиийки, мазкур жа-
раёнда молия муассасаларининг
сармоялари ҳам муҳим аҳамият
касб этапти.

Буни «Қишлоқ қурилиш банк» ак-
циядорлик тижорат банки фаолияти
мисолида ҳам қўриш мумкин. Ушбу
молия муассасаси миқозларга хизмат
кўрсатиш сифатини янада ошириш,
кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-
лиқни қўллаб-қувватлаш бораси-
да изчил ишларни олиб бормоқда.
Банк ҳамкорлигида ишга туширилган
«Golden corn» Тошкент крахмал-пато-
ка заводи бунга ёрқин мисолдир. Таъ-
кидлаш жоизки, мазкур лойиҳага ўтган
йили давлатимиз раҳбарининг Чилон-

зор кичик саноат зонасига ташрифи
чоғида қиришчиланди.

Корхона Ўзбекистонда крахмал ку-
куни, патока, мальтоза ва мальтодек-
стрин ишлаб чиқарувчи янгона завод
бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида ма-
ҳаллий макжаҳуҳори донидан фойда-
ланилади.

Лойиҳанинг умумий қиймати — сал-
кам 5 миллион АҚШ доллари, шундан 2
миллион доллари — банк томонидан
Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки
имтиёзли кредити линияси ҳисобидан
акратилган, қолган қисми эса миқоз-
нинг ўз маблағлари ҳисобидан қурилиш
ишларига сарфланди.

— Ҳозир қўнига 80 тонна хомашёдан
крахмал кукунни, патока, мальтоза ва
мальтодекстрин ишлаб чиқаришмоқда,
— дейди завод раҳбари Шамсиддин
Шуқуров. — Йилига ўртача 20 минг
тонна ёки 9,6 миллион долларлик маҳ-
сулотларни ишлаб чиқаришни режа-
лаштиришми. Асосий маҳсулотлардан
ташқари, қорамолчилик ва чорвачилик
учун ем (макжаҳуҳори қўнига) ҳамда то-
вуқчилик ва балкичилик учун омикта ем
(глутен) ва биокўшимча маҳсулотлари,
ёғ-мой комбинатлари учун иккиламчи

қурилиш қилмаслиги керакми? Агар
ДСЭНМнинг инсоляция ҳулоаси ва
мутасадди ташкилот томонидан тақ-
дим этилган лойиҳа тўғрисида, қўш-
нинг розилигини олиш шарт эмас.
Прокуратурага қақришса ҳам шу га-
лимда турман. Яна қандай саволлар
бор?», деди-ю, хайр-қўшни насия қи-
либ ашиқдан ичкарига кириб кетди...

У шунчалик ишонч билан га-
пирдики, ё кўп нарсани билади,
ёки ўзига ортиқчароқ ишонаётганга
ўхшаб туюлди. Эҳтимол у манман-
лик замони ўтгани, бугун одамлар
дардида, муаммоларига ҳурмат ва
диққат-эътибор билан қараш талаб
этилаётганидан беҳабардир?

Тошкент шаҳар архитектура ва
қурилиш бош бошқармасидан қў-
ниқарли жавоб ололмагач, Хуршид
Тўлабоев 2018 йилнинг 8 сентяб-
рида шаҳарсозлик нормалари ва
қондаларига риоя қилишда қўнун
устворлигини таъминлашни сўраб,
Учтепа туман прокуратураси ва Фу-
қаролик ишлари бўйича Тошкент
шаҳар Учтепа туманлараро судига
мурожаат қилди.

2018 йилнинг 12 сентябрида Фу-
қаролик суди Хуршид Тўлабоевнинг
даъво аризасини таъминлаш чора-
си сифатида 3-Қурувчи тор кўча, 33-
уйда яшовчи Гўлнўза Иргашевага
қарашли икки қаватли иморат қури-
лишини фуқаролик иши мазмунан
қўрилунга қадар вақтинча тўхтатиб
туриш ҳақида ажрим чиқарди. Унга
биноан Маъбурий ижро бюросининг
Учтепа бўлими ижрочилари томони-
дан 2018 йилнинг 15 сентябридан
қўшни уйдаги қурилиш тўхтатилди.
Лекин икки қаватли уй девори тўлиқ
қўтарилиб бўлган эди...

Данииллама икки қаватли уйнинг
ижро қисмидан ён ҳовлилар қафт-
дай қўрилиб туриши табиий ҳол.
Бундан ташқари, қўшниларнинг ҳо-
лисига қўш нури кам тушади, ша-
мол айланмайди...

Одамлар аризасига бефарқ қа-
раш ҳолатлари ҳамон оз эмас. Мат-
буотда чиққан таниқиди мақолаларга
«ёса-ёзиди-да...», деган кайфият-
даги муносабатлар ҳам кўпайиб
бормоқда. Бу каби иллатлар қўнун
устворлигини таъминлашда, адолат
қарор топилиши тўсқ бўлади.

Ушбу муаммони ўрганиш жараё-
нида бир ҳулоаса келдики: жойлар-
даги тегишли идоралар фуқаролар
аризасига эътиборли бўлиб, қўта-
рилган масалани диққат билан ўр-
ганиб, вақтида адолатли ҳал этса,
опам гулистон. Агар масъул ҳодим
ўз вазифасини сидқидилдан бажар-
маса, лоқайдлик қилса, жонни бироз
қийнаб, муаммони чуқурроқ ўрган-
май ҳулоса чиқарса, одамлар йил-
лаб овора-ю сарсон бўлади, қўнунга
ишончи суясади, жамиятдан норози
бўлади...

Масъул вазифаларни эгаллаб
турганлар бунни унутмаслиги керак,
деб ўйлаймиз. Саводли, инсонпар-
вар, диёнатли одам ўз бурчига ҳам,
одамларга ҳам ҳиёнат қилмайди.
Бир савол кишини ўйга толдиради:
Қайсида амалдор ёки масъулнинг
хотасини тузатиш учун судлар иш-
лайди, бош қотиради. Қилғилиқни
қилганлар кўпича жазо олмай чет-
да қўлиб кетади. Бунинг оқибатида
хатолар такрорланаверади.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«БОБОМ МЕНГА «ЗАЙНАБ» ДЕГАН ҚЎҒИРЧОҚ ОЛИБ КЕЛГАН»

дейди россиялик машҳур қўғирчоқбоз, санъат арбоби
Сергей Образцовнинг невараси Екатерина Образцова

— Сергей Образцов номидаги давлат академик марказий қўғирчоқ театрининг Ўзбекистонга гастрол сафари бундан 6-7 ой олдин режалаштирилган эди, — дейди театр директори Ирина Корчевникова. — Бу сана Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи кунларига тўғри келиши нур устига нур бўлди. Бизни жуда яхши кутиб олишди, Маданият вазирлигида ташкил этилган матбуот анжуманида ижодий жамоамиз билан қатнашдик. Самимий, чин юракдан мулоқот бўлди, уларга ижодий режаларимиз ҳақида гапириб бердик.

Спектакллар Ўзбекистон давлат академик рус драма театрида уч кун давомида намойиш этилди. Лекин томошага бунчалик кўп одам келади, деб ўйламагандик. Жуда хурсандмиз.

— Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги доирасида икки мамлакат мусиқа, театр жамоалари, санъат намоёндаларининг ижодий сафарларини мунтазам ўтказиш яхши анъанага айланган, — дейди Ўзбекистон давлат академик рус драма театри директори ўринбосари Алижон Андақулов. — Айни пайтда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Ўзбекистон ёшлар театри жамоалари Россияда ўтадиган фестиваллар, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Сергей Образцов номидаги давлат академик марказий қўғирчоқ театри ижодий жамоаси 1964 йилда Тошкентда ўз спектаклларини намойиш қилган экан. Ижодий жамоа билан келган Россия халқ артисти, машҳур актёр



Зиновий Гердтнинг шоғирди Федор Виоллин ана шуни ҳаяжон билан асплади. Машҳур қўғирчоқ театри жамоаси 1931 йилда санъат арбоби Сергей Образцов томонидан ташкил этилган бўлиб, ўзига хос ижодий экспериментлар асосида мусиқа ва сатира асарларини сахналаштиради.

Сергей Образцов ҳамда Семён Самодур асари асосида 1946 йилда яратилган «Ғаройиб концерт» («Необыкновенный концерт») пародия спектакли ҳазил услубидаги томоша ҳисобланади. У дунёнинг турли мамлакатларида театр сахналарида 10 минг мартабадан ортқ ўйналган ва ХХ

асрнинг энг машҳур спектакллари қаторидан ҳамда «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ўрин олган. Уч кун давомида пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари мусиқачи ва раққослар, цирк усталари ва кўзбойлагичларга тақлид сифатида намойиш этилган томошадан бахраманд бўлдилар.

Жаҳон томошабинлар учун мусиқий жўрликдаги ва турли қўғирчоқбозлик услублари билан бойитилган, Самуил Маршак асари асосида сахналаштирилган «Мушукнинг уйи» («Кошкин дом») спектакли намойиш этилди.

Театр ижодий жамоаси таркибидан келган Сергей Образцовнинг невараси,

постановкачи режиссёр Екатерина Образцова 21 октябрь кунини Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари учун мастер-класс ўтказди.

— Ҳали ёшгина қизалоқ пайтимда бобом менга Ўзбекистондан совға сифатида «Зайнаб» деган қўғирчоқ олиб келганини яхши эслайман, — дейди Екатерина Образцова. — Қоп-қора сочлари майда ўрилган, кўзлари катта-катта, атлас кўйлакли Зайнабдан ҳеч ажралмасдим, мактабга ҳам ўзим билан олиб борардим. Тошкент ҳақида, бу ердаги одамларнинг соддалиги, самимийлиги, меҳрибонликлари ҳақида бобомдан эшитганман. Бугун ўзим бизга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром, меҳр-муҳаббатнинг гувоҳи бўлаялман, бундан жуда хурсандман.

— Дунёга машҳур қўғирчоқ театрининг Ўзбекистонга сафари Россия Маданият вазирлиги гастролларга қўмақлаштириш федерал марказининг «Катта гастрол» лойиҳаси ҳамда Алишер Усмоновнинг «Санъат, фан ва спорт» хайрия жамғармаси молиявий қўмағи асосида ташкил этилган, — дейди Ўзбекистон давлат академик рус драма театри директори ўринбосари Алижон Андақулов. — Гастрол сафарларида Федерал марказ директори Елена Булукова ҳамда «Санъат, фан ва спорт» хайрия жамғармаси бош директори ўринбосари Фотима Мухамеджан ҳамроҳлик қилди. Ижодий жамоа Самарқандда ҳам бўлиб, икки кун давомида Чехов номли рус драма театрида ўз спектаклларини намойиш қилди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



QISHLOQQURILISHBANK

AVTOKREDIT



ISTE'MOL KREDITLARI

MIKROQARZ

Tez va qulay!
Ma'lumot uchun:
(+998 71) 150-93-39.

WWW.QQB.UZ

Xizmatlar litsenziyalangan

РЕКЛАМА

AGROBANK

Агробанк қулай ва даромадли бўлган
«МЕНИНГ ЮРТИМ»
омонат турини таклиф этади!

✓ омонат фоизи — йиллик 18 фоиз
✓ омонат муддати — 13 ой

Омонат очиш учун талаб
қилинадиган энг кам маблағ —
5 миллион сўм. Омонатга маблағлар
нақд пул ёки пластик карта орқали
қабул қилинади.
Ҳисобланган фоизлар учун тўловлар
ҳар ойда нақд пулда ёки пластик
кортангизга ўтказиб берилади.

Агробанк омонатлари Сиз учун!

/AgrobankChannel
/agrobankuzbekistan

Agrobank Mobile иловасини қўлаб олинг
App Store Google Play

www.agrobank.uz
тел. (71) 203 88 88

Хизматлар лицензияланган

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAYTOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1038. 6504 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 00:20.

Topshirilgan vaqti — 01:50.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



Газетанинг электрон sahifasiga o'tish uchun
QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 4 5 6